

Афғонистонда аёллар иштирокидаги теледастурлар тақиқланади



07:20 / 23.11.2021 2316

Толибон Афғонистонда аёллар иштирокидаги теледастурларни тақиқлаб қўйди. Бу ҳақда Исломиё даъват вазирлиги баёнотида айтилди.

Мамлакатда оммавий ахборот воситаларининг янги қоидалари барча фаолият юритаётган телеканалларга тақдим этилди. Аёллар иштирокидаги телесериаллар ва театрлаштирилган томошалар тақиқланади. Ислон қонунлари ва афғон урф-одатларига зид бўлган барча фильм ва сериаллар ҳам тақиқланган. Вазирлик чет эл маданиятини сингдирувчи фильмларни намоиш этиш тақиқлаган.